



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 16 АВГУСТ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 161 (12.472)

Баҳоси эркин нарҳда

22
O'ZBEKISTON

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИНИНГ ШАҲАР БОСҚИЧИ: ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Авваломбор кўплаб ёш иқтидорлар етишиб чиқаётгани барчамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, танлов ҳайъатига ёзувчи, шоир ва тасвирий санъат усталарининг турли номинациялар бўйича жуда кўплаб ранг-баранг ишлари келиб тушганлиги фикримиз далилидир.

Ҳайъат аъзолари томонидан тақдим этилган барча ишлар кўриб чиқилиб, ғолиблар аниқланди.

Чунончи, телевидение ижодкорларининг материаллари номинациясида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Тошкент телерадиоканали» давлат унитар корхонаси, «Пойтахт» бош муҳарририяти муҳаррири Азиза Усмонова ғолиб деб топилган бўлса, ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари номинацияси бўйича бош мукофот Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканалининг муҳаррири Мухтасар Тожиаматовга насиб этди.

Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари номинациясида Тошкент шаҳар Ички ишлар

Маълумки, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиорини асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган «Энг улуғ, энг азийз» танлови эълон қилинган эди. Кеча мазкур танловнинг шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Бош босқармаси «Огоҳ» газетаси таҳририяти муҳаррири Самариддин Халилов, радио ижодкорларининг материаллари номинациясида эса ғолиблик «Тошкент» телерадиоканалининг катта муҳаррири Шоира Ражабова ғолиб чиқиди.

Ниҳоят Тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари номинациясида яна бир серкира ижодкор — рангтасвирчи расом, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Дилором Мамедова шаҳар босқичининг ғолиби бўлди.

Танловнинг барча ғолибларига дипломлар, совғалар топширилди.

Ўйлаймизки, «Энг улуғ, энг азийз» танловида эришилган муваффақият келгусида ижодкорларни ўз маҳоратларини ўстириш йўлида изланиш, интилиш ва яратишга даъват этиб, янги марралар сари илҳомлантиради.

ДИЛМУРОД ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: танлов ғолиблари

Ислом Исмоилов олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

15 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Аввалроқ, Қонунчилик палатаси Регламентининг талаблари асосида сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи қонун лойиҳасининг дастлабки ҳар тарафлама муҳокамалари якунлари юзасидан ўз фикрлари ва тақлифларини масъул кўмига тақдим этган эдилар.

Кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш ва мустақамлашга доир энг муҳим вазифаларни ҳал қилиш, демократик давлат барпо этиш доирасида партиялараро рақобат муҳитини шакллантириш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекис-

тон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этишга синчковлик билан ёндашдилар.

Депутатлар таъкидлаганларидек, сиёсий партиялар Ўзбекистонда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг

«Ободлик — кўнгил мулки» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида

Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир Олмазор туман ҳокимлиги томонидан уюштилди.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа туман ҳокимлигида «Ободонлаштириш ва тозалаш ишларининг самаралари» мавзусида давра суҳбати ўтказилади.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унга Тошкент шаҳридаги маҳаллалар, таълим масканлари, корхона ва ташкилотлардаги хотин-қизлар фаолиятига доир жамоат тузилмалари вакиллари тақлиф этилди.

ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, қизларнинг замонавий билим ва касб-хунар эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олишига яқиндан кўмаклашиш, аёлларнинг турмуш ва меҳнат шaroитини янада энгил қилиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги маъқени юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бу борадаги ишлар кўлами Обод турмуш йилида янада кенгаймоқда.

— Маҳалламизда икки мингдан ортиқ хотин-қиз истиқомат қилади, — дейди Олмазор туманидаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси Нафиса Саидқарова. — Мактабларнинг 9-синфини тамомлаган ёшлар, айниқса, қизларни ўрта махсус, касб-хунар таълимига йўналтириш, коллеж битирувчиларининг ишга жойлаштиришга яқиндан кўмаклашиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда оила, маҳалла, таълим маскани, хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилгани яхши самаралар бермоқда.

Тадбирда пойтахтимиздаги хотин-қизларнинг энг фаол бошланғич ташкилотлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларга Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

тобора самарали воситасига, халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини, марказда ва жойларда кўппартиявийлик асосида ташкил этиладиган ва фаолият кўрсатадиган вакиллик ҳокимияти органларини янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг ҳал қилувчи шартига айланмоқда.

Бунда парламент аъзолари давлат ва жамият қурилиши ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш тизимида сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлидан боришни давом эттириш муҳимлигини қайд этдилар. ЎзЛиДеП, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП ва Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияларининг қўшма мажлиси қарорига биноан ташкил этилган депутатлар ташаббускор гуруҳи айнан шу масалани ҳал қилди. Мазкур ташаббускор гуруҳ халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга доир тақлифларни таҳлил қилиш асосида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 66 хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раислари иштирок этди. Иштирокчилар ҳакамлар ҳайъати томонидан олти номинация бўйича сараланди.

• Термиз шаҳрида Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида вилоятда туризм, меҳмонхона ва ресторан бизнесини ривожлантиришга бағишланган ўқув семинари ташкил этилди. Унда вилоятда туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар, меҳмонхона ва ресторанларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида «Aglinks plus» халқаро лойиҳаси доирасида шафтоли сайли ўтказилди. Шафтоли етиштирувчи боғбонлар мусобақасига айланган ушбу тадбирда Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан келган 60 нафардан зиёд тажрибали фермер ва боғбонлар ўзлари етиштирган турли навдаги сархил шафтоли мевалари билан иштирок этди.

• «Қамолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгаши қошида ёшлар бошқараётган фермер хўжаликларида ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатувчи ишчи гуруҳи ташкил этилди.

• Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллик байрамига бағишлаб «Йилнинг энг яхши кўшиги» танлови ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Қорақалпоғистон бўлими ҳамкорлигида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган ушбу тадбирда иқтидорли ёшлар Ватан ва мустақиллик тараннум этилган кўшиқлари билан иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги портда сақланаётган сувости кемасида портлаш юз берди. Ушбу ҳодисадан сўнг кемада ёнгин келиб чиққан. Экипаж аъзоларидан бир кanchа қирғоққа чиқиб, базўр омон қолишган. Аммо кема ичида қолиб кетган 18 нафар денгизчи, шу жумладан, уч нафар офицернинг тақдири ҳозирча номаълум. Воқеа жойида қидирув-қутқарув гуруҳлари иш олиб бораёпти.

• Лондонда сунъий гўштдан тайёрланган дунёдаги биринчи гамбургерни АҚШлик мохир пазанда Жош Шонвальд ва австриялик тадқиқотчи Ханни Руцлер татиб кўрди. Таъкидлаш жоизки, мазкур нотабий гўшт муаллифи Голландиянинг Мاستрихт университети профессори Марк Пост бўлиб, уни сигир ҳужайралари асосида тайёрлаган. Олимнинг таъкидлашича, бундай сунъий маҳсулот келажақда озиқ-овқат танқислигини бартараф этишда ёрдам беради. Қизиғи шундаки, сунъий гўштдан битта шундай таом тайёрлаш учун ҳозирда тахминан 250 минг фунт стерлинг маблағ талаб этилади.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Посира» маҳалласида

САМАРҚАНД МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Самарқандда «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусика фестивалига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда.



Фестиваль тадбирлари ҳозирлик доирасида меҳмонларни кутиб олиш ва меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт хизмати кўрсатиш, гид ва таржимонлар бириктириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида саксондан ортиқ меҳмонхона мавжуд. Фестиваль иштирокчиларини ҳар томонлама қўлай бўлган меҳмонхоналарга жойлаштириш режалаштирилмоқда, — дейди «Ўзбекистон» миллий компанияси Самарқанд минтақавий бўлими раҳбари Илҳом Сувонов. — Жумладан, қатнашчиларнинг асосий қисми истиқомат қиладиган «Афросиёб палас» меҳмонхонасида халқаро андозаларга мос, юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Фестиваль олдидан меҳмонхона таъмирланиб, янги жиҳозлар билан таъминланди. Худудда амалга оширилаётган кенг қўламли обodonлаштириш ишлари яқунлиги асосида.

«Регистон Плаза», «Регистон», «Арқ Самарқанд», «Регал палас», «Дилёра», «Идеал», «Нодир Самарқанд» меҳмонхоналари ҳам фестивал иштирокчилари ва фахрий меҳмонлар, хайрат аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимларини қабул қилишга шай ҳолатда келтирилди. Яна бир неча меҳмонхона захира сифатида меҳмонларни жойлаштиришга тайёрлаб қўйилди.

Хорижий меҳмонларга таржимонлик қилиш ва гид-экскурсовод вазифасини бажариш учун Самарқанд давлат чет тиллар институтининг энг фаол талабалари саралаб олинди. Улар билан бир неча марта ўқув семинарлар ўтказилиб, дунё халқлари мусика маданияти, «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалининг ташкил этилиши ва аҳамияти, Самарқанддаги тарихий обидалар, Самарқанд шаҳри ва туманлардаги маданий-маиший иншоотлар, истироҳат боллари бўйича ҳам энг сўнгги маълумотлар жамланган, таржимонларга тарқатилди.

Меҳмонларга сифатли транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида замонавий автобус ва енгил автомобиллар ажратилиб, зарур воситалар билан таъминланди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Мамлакатимизда демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар негизда ҳар бир инсон учун муносиб турмуш тарзини яратиш мумкин. Эртанги кунимиз эгаси бўлиши ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни юксак билим ва малакали кадрлар этиб тарбиялаш жараёни тақомиллашмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республика Марказий банки томонидан ўтказилган «Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида матбуот анжуманида ҳам шу ҳақида сўз борди.

Анжуманда тижорат банклари доимий равишда кичик бизнес субъектларини, айниқса, таълим муассасаларини битирувчи ёшларнинг бизнес режаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш, оилавий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига катта эътибор қаратиб келаётгани ҳақида тўхталди.

Кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга, авваламбор касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида кредитлашга етарли аҳамият берилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти бошқарма бошлигининг ўринбосари Мухтор Шоназаров. — Барча соҳа субъектларига турли молиялаштириш манбалари ҳисобидан жорий йилда жами 6 трлн. сўмдан ортиқ миқдорда маблағлар йўналтириш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ўтган етти ой мобайнида тижорат банклари томонидан, айнан кичик биз-

Ҳар йили янги ўқув йили бошланиши арафасида мамлакатимизда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг асосий турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечак ва пойабзалга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида мактаб бозори ва ярмаркалари ташкил этилади. Айни кунларда юртимизда ана шундай мактаб бозори ва ярмаркалари бўлиб ўтмоқда.

Бугунги кунда мактаб бозорларидаги ўқув қуролларининг сифати, дизайни ўқувчиларнинг диди ва дунёқарашига мос, танлаш имконияти ҳам низоҳатда кенг. Ярмаркаларда асосан юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар арзон нархларда сотилаётганидан ота-оналар мамнун.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Республика истеъмол бозорини мактаб анжомларининг айрим турлари билан тўлдириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори юртимизга ташқаридан миллий маънавиятимизга эид бўлган турли ёзув дафтарлари кириб келишининг олдини олиш, таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларини миллий маънавиятимиз ва кадрларимизга мос сифатли ёзув дафтарлари билан таъминлашни тақомиллаштириш, полиграфия корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарорда 2010-2014 йилларда матбаа фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахслар мактаб дафтарлари, кундаликлар ҳамда расм альбомларини тайёрлашда фойдаланиладиган технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва қоғоз хос ашёсини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича импорт қилишда боҳжона тўловларидан озод этилиши белгилаб қўйилган. Бу қарор ёзув дафтарларини ишлаб чиқариш билан шуғулланган тадбиркорлар учун ўзига хос имтиёз яратди.

Бу йил беш юз минг нафардан зиёд ўғил-қиз биринчи синф ўқишга боради. Аънаёна кўра, уларга дарслик ва ўқув анжомларидан иборат Президент совғалари топширилади. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ҳам таъминланган, алоҳида эҳтиётли оилаларнинг фарзандларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уларни қишқик кийим-кечаклар тўплами ва пойабзал билан таъминлаш ҳам режалаштирилган.

Пойтахтимиздаги «Сергели дехқон бозори» акциядорлик жамиятининг Сергели-3 шохобчаси худудда ташкил қилинган ана шундай ярмарка ўқув қуроллари ва мактаб формаларини танлаётган ота-оналар билан гавжум.

— Ойиҳон, Малоҳат опам муқовасида улуг адиб ва шоирларнинг расми акс этирилган дафтарлардан олишимизни тайинлаган эди, — дейди онаси билан бозорга келган болакай.

— Хўп, ўғлим.

Ҳақиқатан ҳам ярмаркадаги дафтар муқоваларининг миллий маънавиятимизга мос расмлар билан безатилагани, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний,

Мактаб бозори

МАКТАБ, МАЪНАВИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ



Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Гафур Ғулом, Зулфия каби буюк аллома ва адибларимизнинг расмлари акс этгани ота-оналарга ҳам, болаларга ҳам маъқул бўлмоқда.

Дафтарларни бирма-бир кўздан кечираман. Сифати зўр, варақлари оппоқ, силлиқ, жаҳон стандартлари даражасида ишланган. Айниқса «O'zbekiston» наشريёт-матбаа ижодий уйи, «Sharq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Arena International» Англия-Ўзбекистон қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бежиримлиги ва арзонлиги билан ажралиб туради.

Ярмаркада харидорлар учун барча шароит яратилган, — дейди «Бекниёз Омад» МЧЖ сотувчиси Жамшид Санаккулов. — Маҳсулотлар жуда сифатли, ҳаммаси ўзимизда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган. Нархи ҳам харидорларга маъқул. Савдо шохобчалари терминал, назорат-касса аппара-

ти ва бошқа зарур воситалар билан таъминланган.

Пойтахтимизнинг «Фарҳод» бозори худудда ҳам ана шундай мактаб бозори ва ярмаркаси ташкил этилган. Пештахтадаги рангли қаламлар, пластилин, расм дафтар, рангли қоғоз, ён дафтарча, ўчирғич, мойбўёқ каби мактаб анжомларининг тури ва хили кўпلىгидан қайси бирини танлашни билмай шойиб қолсан киши... Ўқувчилар сумкасини айтмайсизми? Тури ва жозибадорлигидан ташқари, ўқувчиларнинг диди ва ёшига мос қилиб ишлаб чиқарилган.

Бозордаги сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Эътиборимни юзларидан нур ёғилиб турган нуроний отахон тортди. Набирасига ўқув қуроллари олиб бераётган отахон сумкани қўлига олар экан, беҳосдан кўзлари ёшланди.

— Бобоҳон, сизга нима бўлди, нимага йиғлаясиз? — деб меҳр билан кўчоқлайди набира.

— Отахон, хорманг, набирангизга ўқувчилик сумкасини ўз қўлингиз билан олиб берай дебсиз-да, — отахонга дадла бўлиш илнжида гап қўшди.

— Ҳа, ўғлим. Нафақа пулимдан кенжатоғ набирам Собиржонга ўқувчилик сумкаси ва пойабзал олиш ниятида бозорга тушдик, — дейди меҳнат фахрийси Аъзам бобо Қодиров. — Бу ерда яратилган шароит ва имкониятларини кўриб, шукроналикдан қўзимга ёш келди. Сумка ва пойабзал мен учун жуда қадри. Биз ўқиган даврда ҳозиргидай чиройли ва бири-бириндан бежирим сумкалар қайда эди. Оқ сурдан тикилган «сумка»ни елкага осиб, қавушда мактабга борадик. Раҳматли акам иккимиз учун битта халта, битта оёқ кийими бўларди. Ўқиш икки сменали. Акам биринчи сменада ўқиб чиққунча мактаб ёнидаги бута орқасида оёқланг кутиб ўтирар эдим. Дарсдан кейин пойабзал ва сумка халтани менга бериб, ўзи уйга оёқланг кетарди. Худого шукр, у кунлар орта қолди. Сизлар дорилмомон замонда яшасизлар. Бунинг қадрига етиб, яратилган имконият ва шароитлардан оқилона фойдаланинглар, ўқиб-унинглар, дейман набираларимга. Буларнинг бари мустақиллик шароити, Президентимизнинг оқилона сиёсати тўғрисида. Биз, қариялар доимо юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қиладиганларни алқаймиз, бу саводатли ва бахтли кунлар абадий бўлишини сўраб, дуо қиламиз.

Ҳа, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган кенг қўламли улкан ислохотлар самараси булар.

Алоуддин ҒАФФОРОВ

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

«Magnum medical servis» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини 2007 йилдан бери амалга ошириб келади. Хирургик, ортопедик, физиотерапевтик, реанимацион ва бошқа турдаги тиббиёт асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, доволаниш вақтида ишлатиладиган махсус мебеллар, функционал ётоқ мебеллари ҳамда тиббиёт асбоб-ускуналарини техник қўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш шу жамият иш фаолиятини ташкил қилади.



«Magnum medical servis» масъулияти чекланган жамияти директори, Ўзбекистон Республикаси «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Отабек Жиянбаев мактабимизни келиб кўздан кечирганларида тиббий ёрдам кўрсатиш хонасидаги жиҳозларни кўриб ҳайратландилар, — дейди 221-мактаб директори Ольга Корнева. — Чунки хонадаги бор жиҳозлар ўз қўларимиз билан ясалган эди. Ҳозирда «Magnum medical servis» масъулияти чекланган жамияти томонидан мактабимизнинг тиббий ёрдам кўрсатиш хонаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди ва бу Мустақиллик байрами олдидан ўзига хос совға бўлди.

Сўнгги 5 йил давомида мазкур жамият Республикамизда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган халқаро тиббий қўғрамазлари иштирокчисига айланган.

— Бугунги кунга келиб корхонамиз томонидан 70 га яқин тиббиёт асбоб-

ларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг бир неча тури маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, импорт ўрнини босувчи ускуналардир, — дейди «Magnum medical servis» масъулияти чекланган жамияти бош директори Отабек Жиянбаев. — Ўшбу замонавий асбобларнинг муайян қисми чет элда ишлаб чиқарилаётган асбобларнинг ўрнини босади. Мамлакатимиз даволаш масканларида бизнинг асбоб-ускуналаримизнинг деярли ҳамма туридан унумли фойдаланиб келинади.

«Magnum medical servis» масъулияти чекланган жамияти «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этиладиган қўғнама тадбирларда фаол иштирок этиб, бир неча мактабларнинг тиббий ёрдам кўрсатиш хоналарини ҳоимийлик ёрдами тариқасида жиҳозлаб берган.

Фаррух БАХРОМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳасида бир қатор янги қоидаларни жорий этиш назарда тутилмоқда, биринчи навбатда, бу сиёсий партияларга тегишли худудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳуқуқи берилишига тааллуқлидир. Бунда қарор депутатларнинг яримдан кўли қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади. Партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашига киритиладиган масалалар бўйича таклифларнинг кўриб чиқилиши шартличилигини мустақамлаб қўйиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, партия гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш шартлари ва тартиби белгиланмоқда. Ўшбу амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда, эндиликда партия гуруҳлари тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқи эга бўлади.

Умуман олганда, мажлисда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилиши таклиф этилаётган ўзгаришлар жойларда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрнини янада оширишга, уларнинг сайловолди платформаси ва дастурий мақсадларини амалга оширишдаги фаоллигини кучайтиришга, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятини амалга оширишдаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун ўшбу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада ривожлантиришга қаратилган «Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш янада мустақамлашнинг муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар корпуси томонидан қизғин муҳокама этилди.

Масалан, бу «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунга тегишли бўлиб, унда назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш имконияти назарда тутилган, бироқ, шикоят берилиши қарорларнинг амал қилишини тўхтатиб турмайди. Ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва уларга қўшимча қафолатлар яратиш мақсадида қонун лойиҳасида текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъект томонидан судга шикоят берилганда кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар ёки қарорларнинг ижросини тўхтатиб туриш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида ҳўжалик судлари томонидан сайёр суд мажлисларини ўтказиш имкониятини белгиллаш ҳам назарда тутилмоқда. Депутатларнинг фикрича, мазкур амалиёт республика-мизнинг олис туманларидаги тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятини оширишга қўмақлашади, бу эса уларнинг транспортта сарфланадиган харажатларини жиддий равишда камайтиради. Қонун лойиҳасининг ушбу ва бошқа аниқликлари тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш янада мустақамлашга, шунингдек, судларда тадбиркорлик субъектлари ишларининг сифатлироқ кўриб чиқилишига қўмақлашади.

«Ўзбекистон Республикаси ва Қозғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида»ги Шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги (Тошкент, 2013 йил 14 июнь) қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан Қонунчилик палатаси мажлиси давом эттирилди. Депутатлар мамлакатлар ўртасидаги муносабат тенглик, ўзаро ишонч ва стратегик ҳамкорлик асосида барпо этилаётганини таъкидладилар. Ушбу Шартномада сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион, маданий-гуманитар, экологик ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг асосий принциплари ва муҳим йўналишлари мустақамлашнинг таъкидланди.

Шартномада сув-энергетика соҳасидаги барча масалаларни ҳал қилишни, шу жумладан трансчегаравий дарёларда янги гидротехник иншоотлар қуришни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ ва мазкур минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни назарда тутувчи Марказий Осиёда сувдан фойдаланишнинг адолатли тизимини ривожлантиришда ўзаро келишилган ягона позиция тасдиқланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳар томонлама муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар ушбу қонунни қабул қилдилар, у кейинги кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этишда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ҳамда таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича партия дастурлари ва сайловчилар фикрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуктаи назарларини билдирдилар. Депутатлар маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларидаги партия гуруҳларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтириш, тадбиркорлиқни ривожлантириш, Марказий Осиёда тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлиқни мустақамлашда кўриб чиқилган қонун ҳужжатларининг муҳимлигини алоҳида қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг Ахборот хизмати




ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

(2007 йил)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Масалан: «Биргина 2006 йилнинг ўзига товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилга нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортиди».

1997 йилдан буён мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентини таъинловчи қўриқ-танловини ўтказиб келинади. 2007 йилгача бу беллашувда 100 мингдан ошди тадбиркор иштирок этди. Мартнинг охирида «Ташаббус – 2007» қўриқ-танловининг республика босқичи ўтказилди. «Ўзқўргазмасавдо» мажмуида тадбиркорларимиз ишлаб чиқарган турфа товар ва буюмлар намойиш этилди. «Туркистон» саройида, ҳар йилгидек, голибларни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон кейинги йилларда қандай қадимий юрт экани, бу ерда қанақа бой маданиятга эга халқ яшагани ҳар тарафлама намойиш қилишга эришди. 2007 йил баҳорда жаҳондаги энг йирик маданий-маърифий ва илмий тадқиқот марказларидан бири – АҚШ Конгресси културбохонада «Алишер Навоий ва унинг Марказий Осиё халқлари маданий тараққиётига таъсири» мавзусига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Тадбир мазкур кутубхона ва Ўзбекистон Республикасининг АҚШда-

ри тизими орқали бошқарилади. Заводда ишлайдиган 1 минг 300 кишининг кучи билан 2006 йили 12 минг 800 тонна сода ишлаб чиқарилди. 2007 йил августидан у йилга 100 минг тонна тайёр маҳсулот чиқарадиган қувватга эга бўлди. Илгари мамлакатимизга 70 минг тонна шундай маҳсулот четдан олинар эди. Энди эса у ўзимизда ишлаб чиқарилади, ҳатто, хорижга ҳам экспорт қилинади. Минтақамизда ягона завод бу. Унинг маҳсулотлари ойна (ишла) саноатининг ноёб ва қимматбаҳо хомашёси ҳисобланади.

21 – 24 июнда Тошкентда олий таълим муассасалари талабаларининг гузаллик ва нафосат байрами бўлиши «Универсиада – 2007» спорт ўйинлари ўтказилди.

6 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Содик хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида» қонуни имзоланди.

14 июлда Франция пойтахти Париж шаҳрида шу мамлакатдаги «Авиценна-Франс» уюшмаси томонидан Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси кўмағида «Х – XX асрлар Фарб санъатида Ибн Сино тимсоли» мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз йил, ой, кун сайин замонавийлашиб, тараққий этиб, саноатлашиб борапти. Қалбида юрт туйғуси бор ҳар бир кишининг бундан қувониши – шубҳасиз. Чунки ҳар бир фуқаро – мамлакат умумривожидан бирдай манфаатдор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 – 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» (20.07), «2007 – 2011 йиллар мобайнида



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Тақдирнинг сийловидан синовни кўп.

Яхшининг яхшилигидан ёмонлар усталик билан фойдаланадилар.

Ожиз нуқул ўзига қалқон излайди.

Яхши ҳамisha ёмоннинг касрига қолиб юради.

Баъзиларга шундай бебаҳо умр хайф.

Манфаат одамларнинг бўйнидан ип ўтказиб олади.

Ишонмаган журъат қилмайди.

Инсоннинг ножўя феъли ўзига зарар етказди.

Бетартиб ҳаёт кечирган қариганда жабрини тортади.

Фитна оловини ёқиб, унинг алангасида исинадиганлар бор.

Феъли тор кимса ўзига жабр қилади.

Сотиб олинган бахтининг буюмдан фарқи йўқ.

Мудҳиш хатолар кечирилмайди.


Ўтмишининг сен унутсанг ҳам, ўзгалар унутмайди.

Айби бор ён бергани маъқул.



Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 17 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойз кўпайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдорни паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 17 август кунини ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.



ги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда ўзбекистонлик ва америкалик таниқли мутахассислар сўзга чиқди. Улардан бири — Калифорния университети профессори, Фарнинг кўзга қўринган навоийшунох олимларидан А. Бодроғлигининг мана бу фикрларини келтириш биз учун қанчалар мароқли: «Навоий мероси уни сақлаш, ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш учун улкан масъулият юклайди. Ўзбекистон бугун муносиб тарзда бу муқаддас мажбуриятнинг ўлдасидан чиқмоқда. Мен сўнгги йилларда Навоий ижоди ва ҳаётини ўргандим. Унинг адабий меросидан Европа ва Американинг турли университетларида сабоқ бердим. «Фарҳод ва Ширин»ни Европанинг қатор тилларида таржима қилдим. Таъкидлашни истардимки, ким Навоийни қанча кўп ўқиган бўлса, маънавий жиҳатдан шунчалик бойиб, қамолотга эришиб боради. Сайёрамизда тоғлар орасида энг баланд чўққи Эверест бўлса, шоирлар ичра энг юксакги ҳазрат Навоийдир».

14 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва технология қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони имзоланди.

29 марта Ўзбекистон Республикаси Президентини Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни имзоланди ва бу қонун 2008 йилнинг 1 январидан қўлла қўйилди.

Апрелнинг бошида Парижда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фондининг ваколатхонаси очилди. ЮНЕСКО билан мазкур Фонд ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бундай нуфузли халқаро ташкилотнинг жамоатчилик Фонди билан ilk бор шундай ҳамкорлик қилиниши эди. Бу ҳам мамлакатимизга алоҳида эътибордан далolat беради. Парижнинг жаҳонга машҳур Лувр мажмуасида ўзбекистонлик ёш модельерлар санъати намуналари намойиш этилди, Франция сенатининг Люксембург саройида эса «Ўзбекистон фотосанъати 125 ёшда» антологиясининг тақдими бўлиб ўтди.

18 апрелда Миср Араб Республикасининг пойтахти Қоҳира шаҳридан ўтган Нил дарёсининг Рада оролида Ахмад Фаргоний (797 – 865)га ҳайкал ўрнатилди. Чунки бу буюқ ўзбек олими 861 йили Нил дарёсидан сув сатҳини ўлчаيدиган дарёсус қурилма барпо этган эди. Уша даврларда бу дарё сувини ўлчаанинг стратегик аҳамияти жуда катта эди. Бу қурилма бугунги кунга қадар ҳам сақланиб қолган.

24 апрелда Урганч шаҳрида Пахлавон Маҳмуд таваллудининг 760 йиллиги нишонланди. 14 май кунини Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон – Россия бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон – Россия ўртасида ўзаро товар айирбўшаш ҳамда йил сайин ортб бораётгани қайд этилиб, жумладан, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларга доир янги-янги лойиҳалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишиш мақсадида 17 май кунини Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди. У, жумладан, 2006 йили ёзида ишга туширилган йирик иншоот – Кўнгирот сода заводи фаолияти билан ҳам танишди. Айтиш мумкинки, бу Асақдаги ҲўДЭУ, Бухоронинг Қорувбозоридagi нефтини қайта ишлаш заводларидан кейинги учинчи йирик саноат маркази ҳисобланади. Мазкур корхона йилга 100 минг тонна кальцийланган сода ишлаб чиқариш қувватига эга. Иш жараёни бу ерда дунёнинг «Хонивелл» ва «Сименс» фирмалари компютерла-

12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислон Каримов иштирок этиб, «Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир» мавзусида маъруза қилди. Маърузада мамлакатимизда туб ислохотлар натижасида қўлга киритилган, жумладан, айнан 2006 йили эришилган ютуқлар саналди.

